
Данғара туманида 8 март – Халқаро хотин-қизлар куни кенг нишонланди.

8 март – Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан туманимизнинг фаол хотин қизлари учун файзли дастурхон ёзилиб тантанали байрам кечаси ташкил этилди. Давлат ва жамоат ишларида, ўқишида ва ижодда туманимиз ҳаётининг барча соҳаларида фаолият юритаётган фаол аёл қизлар, азиз ва муҳтарама онахонлар иштирок этган байрам тадбирини туман ҳокими очди ва муҳтарама онахонлар, азиз аёл-қизларни 8 март Халқаро хотин-қизлар куни билан самимий муборакбод этди. Тадбир давомида туман ҳокими ҳамда сектор раҳбарлари туманимизнинг ижтимоий-маънавий, иқтисодий ва маданий ҳаётидаги самарали фаолияти учун бир гуруҳ аёл-қизларга туман ҳокимлигининг ташаккурномалари, фахрий ёрликлари ҳамда эсталик совғалари топширилди. Файзли дастурхон атрофида жам бўлган онахонлар ва опа-сингилларга байрам совғалари тухфа этилиб, туман маданият бўлимни томонидан тайёрланган концерт дастуридаги аёлни мадҳ этувчи қўшиқлар байрам тадбирига ўзгача завқ бағишлади.









2023-03-07 18:08:34